

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/2 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Максет АЙЫМБЕТОВ
Нафмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕҮОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай Даулетяров
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕЙТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсor ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендіриў
Министрлігі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жокарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гүйалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uziksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жоюшап қайтарылмайды, журналда жәрияланган мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналга 5-6 бет колемндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифттінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзуапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Ibadullaev K.M. PIRLS xalqaro baholash dasturi talablari	4
Тешабоева З.С. Шакл ва мазмун ўртасидаги функционал алоқалар - сўзлар орасидаги муносабатларни ифодаловчи восита сифатида	8
Марипова Н.Х. Инновационные подходы обучению иностранному языку в неязыковых вузах	10
Ахмадалиева М.Ш. Роль литературной критики в саморазвитии писателя	14
Наримбоева Л.К. Практические аспекты формирования коммуникативного подхода в развитии языковой личности при обучении иностранному языку	17
Achilova M.S. Composition analysis of the work A.S.Chulpan	21

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ибадуллаев К.М. Интерактив электрон доскалар – таълим сифатини оширишнинг омили сифатида	24
Ахмадалиев Б.С. PIRLS баҳолаш тизимида танқидий ўқиш тамойилларининг аҳамияти ..	26
Шарипова Н.Б. Ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ноанъянавий дарсларни ташкил этиш	30
Атабоев Ф.У. Методы и формы обучения в непрерывное образование	34
Атабеков Ф.О. Коммуникативная стратегия убеждения и способы её реализации в аргументационных текстах паремий	38
Холматова С.К. Медиакомпетентность педагога как фактор развитие медиаграмотности студентов	40
Исманова М.А. Психологические свойства формирования профессиональной направленности личности педагога	44
Носирова Р.Х. Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой	48
Санакурова А.Р. Повышения качества педагогического корпуса в профессионально-ориентированное подготовке в межотраслевой интеграции	51
Ибадуллаев К.М. Применение компьютерных технологий в обучении географии	54
Муталова Д.А. Методы и формы обучения в непрерывное образование	57
Xidoyatova N.A. Integrative approach: important element of teaching of foreign language	62
Shonasirova Z.Yu. The role of independent works in educational process	65
Xidoyatova N.A. The psychological development of properties volitional qualities of pupils	68
Joraboyeb A.B., G'anixo'jayev A.Sh. Professional training of a teacher of a new formation in the conditions of the implementation of inter-industrial integration	72

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ

Соатов Э.М. Возможности предвидение: методы и средства познания будущего	75
Ismanova M.A. Methodology of teaching history as an academic subject	79

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Турсунбоеva M.D. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий сифатларини узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида боскичма-боскич шакллантириш	86
Журабоев A.B. Совершенствование информационных технологий в формировании профессиональной компетентности будущего специалиста	89
Холматова С.К. Применение информационно-коммуникационной технологии в обучение правового мышление	93
Каюмов Ж .С. Теория применение информационно-коммуникационной технологии в образование	95
Tursunboyeva M.D. System of information and communication technologies in the education	99

БАСЛАЙШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

Хурвалиева Т.Л. Мактабгача 5-7 ёщдаги болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш	103
Каримжанова Д.А. Мактабгача таълим муассасаларда тарбияланувчиларни ижодкорлигини ривожлантиришнинг интерактив методлари	107
Хурвалиева Т.Л., Худойберганова Ш.Б. Мактабгача ёщдаги болаларни атроф олам билан таништиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш	111
Abdullayeva M.D. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy-huquqiy me'yorlar asosida ijtimoiy ko'nikmalarni takomillashtirish yo'llari	115
Abdullayeva M.D. Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy-huquqiy me'yorlar bilan tanishtirish	118
Шанасирова З.Ю. Подготовка будущего учителя к преподаванию дисциплины «Окружающий мир» в начальной школе	120
Абдуллаев А.А., Эркинходжаева Г.Э. Место и роль физической культуры в общей системе воспитания детей дошкольного возраста	125
Матмуродов А.К. Повышение уровня самостоятельности на основе структуры урока труда в младших классах	129

ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ХƏМ СПОРТ

Носирова Р.Х.,Рустамбекова Н.А. Соглом турмуш тарзини яратишида ижтимоий хамкорлик масалалари	135
Солайдинов Э.Ш. Соғлом турмуш тарзини яратишида кўхна ҳалқ ўйинларидан фойдаланиш йўллари	140
Хуррамов Э.Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда Европа мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш технологиялари	142
Хакимов Ш.Т. Жисмоний тарбия бўйича дарс конспектини тузиш методикаси	148
Абдуллаев А.А. Физическое воспитание в системе подготовки человека к профессиональной деятельности	154
Абдуллаев А.А. Социокультурные функции и роль физической культуры в формировании основных качеств и свойств личности	157
Gimazudinov R.G. The oretical and practical basis of badminton coach activity	160

күхна тажрибалардан фойдаланиш машғулотлар самарадорлигини оширишда мухим омил вазифасини ўтайди. Бунинг учун эса:

- ўйинларни халқымиз тарихи ва маданияти билан боғлаб ўрганиш;
- ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишда унинг асл варианти, элементларини сақлаб қолиши ҳамда шу асосда ташкил этишининг ғоят мухимлигига ўзтибор қаратиш;
- күхна халқ ўйинларига бағишлиган ҳужжатли, бадий фильмлар намойинини ўтказиш. Улардаги күхна урф-одатлар элементларини таҳлил қилиш ва бугунги кундаги ўйин вариантларига қиёслаб, мослаштириб ўрганиш ўқитувчи ва мураббийлардан доимий изланиш ҳамда улкан педагогик маҳоратни талаб қиласи.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти.-Т.: Ўқитувчи, 1994.- 119 б.
3. Навоий Давлат педагогика институти “Миллий ҳаракатли ўйинлар” фанидан марузалар матни 2010 й.
4. И.Матганиев “Мактабдан ташқари таълим мусассасаларида ўсмирилар соглом турмуш маданиятини шакллантириш”. Методик кўлланма. 2010 йил. 49-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим тизимида халқ ўйинларини ташкил қилиш мавзуси ёритилган бўлиб, унда халқимиз күхна тажрибаларидан фойдаланиш самарали усуллардан бири сифатида таклиф этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается организация народных игр в системе образования, что предполагает использование древних практик нашего народа как одного из самых эффективных методов.

SUMMARY

The article discusses the organization of folk games in the education system, which involves the use of the ancient practices of our people as one of the most effective methods.



БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Хуррамов Э.Э. н.ф.ф.д (PhD)

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Мактабгача таълим факультети*

Таянч сўзлар: инновация, инновацион тизим, ўқитувчи шахси, таълим сифати, мониторинг, кўнникма, малака, жисмоний тарбия, фаолият, хориж тажрибалари.

Ключевые понятия: инновация, инновационная система, личность учителя, качество образования, мониторинг, умения, навыки, физическая культура, деятельность, зарубежный опыт.

Key words: concepts: innovation, innovation system, teacher's personality, quality of education, monitoring, abilities, skills, physical culture, activity, foreign experience.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш ҳар бир мамлакат таълим тизимидағи ўзига хос хусусиятлар ва қонунчилек базасига таянган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалаларига илмий нұқтаи назардан ёндашиби хорижда XX асрнинг 50-йилларидан бошланған бўлиб, аксарият тадқиқотларда олий таълим тизими ва уни амалга оширувчи таълим муассасалари мисолида таҳлил қилинган. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш масалалари таълим муассасаларида инновацион технологияларни жорий этиш масалалари билан ҳамоҳанглиқда ёритилган.

Европа Иттифоқи таркибидағи мамлакатларнинг барчасида ҳам инновацияларнинг амалиётга жорий этилиш тизими бир хил эмас, масалан, Германиядаги олий ўкув юртларида таҳсил олувчи жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитиш жараёнида инновациялар бевосита Спорт марказлари, Спорт федерациялари буюртмаси асосида яратилиб, татбиқ этилади. Испаниядаги олий ўкув юртларида инновацияларни яратиш жараёнида асосан спорт мутахассислари, тренерлар, тадқиқотчилар фаолият кўрсатади ва улар яратилаётган янгиликка бозор талабини ўрганган ҳолда ёндашадилар.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда инновациялар трансфери Испанияда ўзига хос хусусиятга эга. Бунда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига қасбий фаолият сирларини ўргатишида маҳсус модель яратилган бўлиб, бу модель бошқа мамлакатлардаги моделлардан фарқланади. Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммоларини мухокама қилишда унинг баҳоланиши, назорати, мониторинги, сифатнинг таъминланиши ва бошқалар инобатга олинади. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда Испанияда ўкув муассасаларида самародорлик ва сифат энг муҳим кўрсаткичлар сифатида каралади. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти яхлит таълим тизими ёки унинг маълум бир аниқ босқичидан келиб чиқиб миқдорий жиҳатдан ҳам баҳоланади.

1995 йил ЮНЕСКО томонидан ўзининг Бош конференцияси қарорини бажариш мақсадида “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” номли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда асрлар алмашинуви даврида олий таълимни ривожлантиришнинг дунё миқёсидаги тенденцияси ва вазифалари

баён этилган. Мазкур хужжатнинг кириш қисмида “тез ўзгараётган дунёда олий таълимнинг асосий вазифалари” каторида куйидаги учта бош ўйналиш ажратилган:

- замон талабларига ҳозиржавоблик;
- глобаллашув;
- “олий таълимнинг барча асосий функциялари ва фаолият турларини қамраб олувчи кўп киррали концепция” тарзида белгиланувчи сифат.

Дастурда мавжуд 151 банддан 18 таси бевосита таълим сифатига бағишлиланган. Уларда сифат концепциясининг “Олий таълим сифати мазкур тизимнинг мазмун доираси, вазифалари ёки тизимдаги шароит ва меъёларга боғлиқ бўлган кўп киррали тушунча” тарзида тавсифловчи кенг талқини келтирилган. Демак, бўлгуси жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда таълим сифатига жиддий таъсир этувчи таълимий фаолиятнинг учта жиҳати бор:

- биринчидан, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва педагог ходимларининг юкори билим даражаси билан кафолатланувчи ходимлар сифати ҳамда ўқитиш ва тадқиқотлар, шунингдек уларнинг ижтимоий таалабга мослиги билан таъминланувчи таълим дастурларининг сифати.
- иккинчидан, олий таълим оммавий тус олганларни шароитида фақатгина таълим дастурларини диверсификациялаш, ўрта ва олий таълим ўртасидаги узилишларни бартараф этиш, ёшларни ўкув-касбий фаолиятга йўналтириш ва интилишларини кўллаб-куватлаш механизмлари ролини ошириш орқали талabalарни тайёрлаш сифати.
- учинчидан, давлатнинг олий таълимга умуммиллий устуворлик сифатидаги ёндашувини қамраб олувчи олий таълим муассасалари инфраструктураси ва “моддий ўкув муҳити”нинг сифати.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятига бугунги кунда тизимили тарзда ёндашилмоқда. Чет эл олимлари ва амалиётчилари таълим сифатини тадқиқ қилиш доирасида ўқитувчи фаолиятини юқори касбий даражада ташкил қилиниши муаммоларини ўрганмоқдалар.

Шунингдек, Европада ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти сифатли таълимни таъминлаш, ташкил этиш, баҳолаш билан боғлиқ бўлган босқичлардан ташқари уларни жорий этишни такомиллаштиришга доир изланиш ва қарор қабул қилиш босқичларини ҳам қамраб олади. Ўқитувчиларнинг инновацияга мойиллиги ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими ундаги ижтимоий-маданий мухит ва ишлаб чиқариш-технологик базаси билан кўплаб мураккаб функционал муносабат ва алоқалар билан боғланган. Ривожланган мамлакатларда умумий ўрта таълим масалалари амалда ҳал этилган ва олий таълим оммавий тус олган ҳозирги даврда мазкур муносабат ва алоқалар жамият ва давлатнинг устувор вазифалари қаторидан ўз ўрнини эгаллаган.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини шартли равишда иккита моделга бўлиш мумкин .

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўз фаолиятига эвристик ёндашув модели – олий таълим муассасаларининг(ОТМ) жисмоний тарбия ва спорт таълим йўналишида таҳсил олаётган талabalар учун кўлланади. Бу модель В. И. Ляхнинг “Физическая культура” китобида ўз аксини топган.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўз фаолиятига креатив ёндашув модели –Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Финляндия, Жанубий Корея, Чехия, Латвия мамлакатларида кўлланилади.

Ушбу мамлакатлarda жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятида таҳсил олувчилар билан педагогик муносабатларга киришишда мавжуд муаммо ва ютукларни аниклаш, таълим сифатини оширишни режалаштириш имкони яратилади.

Францияда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолияти ОТМни баҳолаш бўйича Миллий кўмита томонидан амалга оширилади. Мазкур кўмита мамлакатдаги олий таълимнинг холатини даврий равишда холис баҳолаб, натижаларни

парламенттга ва хукуматга, сүнгра нашрлар шаклида кенг жамоатчилик эътиборига етказади.

Германия ва Буюк Британияда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини назорат килиш ўкув жараёнига жавоб берувчи маҳсус комиссиялар томонидан олиб борилади.

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларида жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда сарфланадиган давлат бюджетининг ортиши кузатилмоқда.

Ғарбий Европада таълим муассасасидаги дастурлар, талабалар оладиган билим ва бу тўғрисидаги маълумотлар муассасадан ташқарига кўпроқ чиқа бошлаганлиги боис, спортчилар, талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқчиларни халқаро даражада айирбошлишнинг кучайиши, шунингдек, Европа меҳнат бозорининг байналминаллашуви тенденсиаси кучайланлигидан далолат беради.

Германия, Чехия, Данніяда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолияти миллий тизимлар мақсадлари, вазифалари, баҳолаш мезонлари, давлат, жамоат, таълим департаментлари, маҳсус тузилмаларнинг баҳоланиш мезонлари асосида назорат қилинади. Баҳолашнинг расман эълон қилинган мақсадлари сифатни белгиланган стандартлар даражасида ушлаб туриш ёки ундан ошириш бўлса-да, амалда мазкур масалани тушунишнинг ўзида (хисоботларни кенгайтириш ва такомиллаштириш эвазига назоратни кучайтириш заруриятидан то сифатни баҳолашни таълим муассасаси томонидан ўзини-ўзи баҳолашга қадар) турли-туманлик кузатилади.

Бизнинг мамлакатимизда таълим тузилмаларининг инновацион салоҳияти базасида республика инновацион тизимини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар республикамида жорий этилган узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳангидир. Замон талабларига мос таълим масканларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмиглаш, уларни ўкув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер ускуналари билан таъминлаш, таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш йўналишларида амалга оширилаётган самарали ишлар натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон тала-бига жавоб берадиган, Ватанимизнинг эртаниги кунини, тақдирини ўз кўлига олишга кодир бўлган, ўз билим, кўникма ва малакаларини эркин намоён этишда кенг имкониятларга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга кенг имкониятлар яратилган.

Республикамида таълим сифатини ва самарадорлигини оширишга қаратилаётган эътибор педагогик жараёниларни замон талаблари даражасида ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш йўналишларида ҳам ўзига хос талабларни белгилайди.

Ўзбекистон мамлакатининг иқтисодиётини техник ва технологик модернизациялаш миллий модели инновациялар соҳасини ривожлантиришга асосланган бўлиб, бунда халқаро майдонда маданий мерос ҳамда интеллектуал тажрибаларни алмашиш омили муҳим хисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда инновациялар ва илмий янгиликларни яратиш асосан олий таълим муассасаларида амалга оширилаётганлигини хисобга олганда, иқтисодиётимизни техник ва технологик модерни-

зациялаш жараёнлари самараси кўп жиҳатдан республикада мавжуд олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва инновациялар трансферини ишлаб чиқаришга жорий этиш даражасига боғлиқлиги шубҳасиз. Бу жараёнлар эса, юқорида айтиб ўтилганидек, мамлакатлар орасида маданий мерос ва интеллектуал тажрибаларни алмашиш омилига боғлик

Мамлакатимиздаги олий ўкув юртларида инновациялар яратилиши ва трансфери жараёнини ягона тизим шаклида ривожлантиришда, фикримизча, қуидаги омилларни эътиборда тутиш муҳим:

- яратилган интеллектуал мулкнинг фақатгина уни яратган муаллиф эгалигини таъминлаш;
- тадқиқотларни амалга оширувчи муаллифларнинг яратилган интеллектуал мулкдан манфаатдорлигини юқори даражада таъминлаш;
- илмий-тадқиқотларнинг муваффақиятини юқори даражада таъминлаш учун, асосан реал сектор корхоналари буюртмаси асосида ташкил этилишини йўлга қўйиш;
- университетларда (илмий-тадқиқот муассасаларида) яратилган инновациялар трансферини амалга оширувчи бўлинмалар (Инновациялар трансфер марказлари) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мавжуд қонунчилик асосида мувофиқлаштириш.

Хозирги кунда республикамиздаги мавжуд педагогика олийгоҳларида “Жисмоний тарбия ва маданият”, “Хотин-қизлар спорти”, “Бошлангич таълим ва болалар спорти” ва бошқа таълим йўналишларида таҳсил олувчиларни ўқитишида самарали технологиялардан фойдаланиммоқда. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалиёти ташкил этилганда, уларнинг касбий, методик маҳоратини шакллантиришга мўлжалланган таълим сифатига эътибор қаратилмоқда. Бу жараён инновацион фаолиятнинг уч босқичида амалга оширилади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш;
2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш;
3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Фикримизча, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси, яъни бугунги кун тала-баларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуидаги жиҳатларга эътиборни каратиш лозим:

- бакалавриатура босқичида таҳсил олаётган талабаларни ижодий-мотивацион йўналтириш, яъни уларнинг ижодий қизиқиши, муайян ютуқларга интилиши инобатга олиниши зарур;
- креативлик фазилатларини таркиб топтириш, яъни уларнинг танқидий фикрлashi, баҳо бера олиш кобилияти, мушоҳада юритиш, рефлексияга мойиллигини ўстириш;
- ўз касбий фаолиятини баҳолашга ўргатиш, яъни ижодий фаолият методологиясини эгаллаш, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий

фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилиягини шакллантириш ва бошқалар; – талабаларда катъиятлилик, масъулиятлилик, ҳалоллиқ, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқаларни ривожлантириш. Демак, ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатларидан яна биро ҳар хил таълимий шароитларда турлича табиатга, дунёкарашга эга бўлган таълим жараёни субъектлари имкониятларини рўёбга чиқара олишидадир. Бу соҳадаги дастлабки ёндашуввлар шуну кўрсатадики, бу соҳага оид концепциялар мураккаб, мунтазам бўлмаган очик дидактик вазиятлар, унинг таркибий кисмлари ва тарбия жараёнини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бугунги кунга келиб, таълим жараёнидаги инновацион гоялар ва ҳамкорликка асосланган таълим жараёни сифатида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, кўпгина мамлакатларда таълим муассасалари мустақиллиги доирасининг кенгайиши жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини ташки ва ички баҳолаш тизимлари асосида ҳал этади. Бундай баҳолаш механизмларининг ривожланишини тартибга солишининг давлат механизмидан бозор механизмига ўтилиши, таълим дастурлари ва муассасалари сифатини такомиллаштириш ва ривожлантиришга эътиборнинг кучайиши билан боғлик.

Бинобарин, хорижда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини ташкил этишда инновацион технологияларни кўллаш, ички ва ташки баҳолаш ўртасидаги баланс, баҳолашнинг мақбул методларини ахтариш каби ҳанузгача ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларинга багишланган мажисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутки.-Тошкент:Ўзбекистон, 20017.-104 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Конуни. –Тошкент: Шарқ, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.- –Тошкент: Шарқ, 1997 й.
4. Лях В. И. Физическая культура.-Москва:Мысли, 2014.-С.-114.
5. Украи М. Л. Организация и проведение детских спортивных игр.-Москва: Знание, 20011.-С.-72.
6. Фролов В. Г., Юрко Г.П. Физкультурные занятия для учащихся-Москва: Физкультура и спорт, 2018.-С.-34.
7. Осокина Т. И., Тимофеев Е. А., Фурмина Л. С. Инновационные технологии при обучении спортсменов. –Москва: Торговый Дом Гранд-С.-55
8. Ленерт Г., Лихман И. Спортивные игры и упражнения для детей.-Москва: Знание, 2011.- С.-131.
9. Лескова Г. П., Буцинская П. П., Васюкова В. И. Общеразвивающие упражнения для спортсменов-Москва: Физкультура и спорт, 2009.-С-257.

РЕЗЮМЕ

Маколада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари –бугунги кун талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари ёритилган бўлиб, ушбу жараёнда хориж тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойда-

ланиш мұаммолари ўз аксини топған. Маколада ўқытуvчиларни инновацион фаолиятта тайёрлаш масалала-рига илмий нұктан назардан ёндашиш мисолида таҳлил килинганд.

Муаллиф Германия, Испания, Норвегия каби мамлакатлардаги олий ўқув юртларда инновацияларни тәулим жараённега табиқ этиши масалаларни таҳлил килған ва республикамиздеги педагогика ойлігохларда таҳсил олувчи талабалар ва магистрантларни көлгүсідеги қасбий фаолиятта тайёрлашда шұбы тәжрибалардан фойдаланишларига оңд тавсияларни көлтирган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены вопросы подготовки к инновационной деятельности будущих учителей физической культуры, использование передового зарубежного опыта в данной деятельности. В статье данная проблема рассматривается через призму научного анализа инновационной деятельности будущих учителей.

Автор анализирует процесс внедрения инноваций в образовательную систему Германии, Испании, Норвегии и приводит рекомендации по использованию передового опыта в учебно-воспитательный процесс педагогических вузов, при подготовке бакалавров и магистрантов.

SUMMARY

The article deals with the issues of preparation for innovative activities of future teachers of physical culture, the use of advanced foreign experience in this activity. In the article, this problem is considered through the prism of scientific analysis of the innovative activity of future teachers.

The author analyzes the process of introducing innovations into the educational system of Germany, Spain, Norway and gives recommendations on the use of best practices in the teaching and educational process of pedagogical universities, in the preparation of bachelors and masters.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БҮЙИЧА ДАРС КОНСПЕКТИНИИ ТУЗИШ МЕТОДИКАСИ

Хакимов Ш.Т.

*Андижон давлат университети Жисмоний маданият
назарияси ва методикаси ўқытуvчиси*

Таянч сұздар: жисмоний тарбия, конспект, машғулот, узунылкка сакраш, гимнастик түшак, баскетбол.

Ключевые слова: физическое воспитание, конспект, тренировка, прыжок в длину, гимнастическая кровать, баскетбол.

Key words: physical education, synopsis, training, long jump, gymnastics bed, basketball.

Ұшбу мақоланинг мақсади – жисмоний тарбия бүйича ёш ўқытуvчиларга дарс үтиши учун асосий хужжатни методик нұктан назардан түғри тузишда ёрдам берishi. Бу жараён Тошкент шаҳар, Сергели туманинде 300-сонли мактабнинг 5-синф мисолида күрсатилган.

Муаммонинг долзарблиги – ёш ўқытуvчилар дарс конспектини ёзиша кийналадилар, хатоларга йўл қўядилар. Шу борадан дарсни үтишда машкларнинг мослилиги, кетма-кетлиги бузилади, дарс сифати пасаяди. Шунинг учун дарсни юқори даражада сифатли үтиш мақсадидага дарс конспектини түғри тузилиши ва ёзилиши катта аҳамиятта эга.

Мустакил Ўзбекистоннинг маънавий соғлом-ёш авлодларини, бўлажак ватан-парварларини тарбиялаш вазифаси пировард натижада ўқытуvчиларнинг зимма-